

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

2015 йил 29 март куни ўтказилган ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган овоз бериш натижалари тўғрисидаги ба-

ённомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилсин.
2. Ислон Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 6 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯҚУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда шу йил 29

март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови натижалари эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажги учун улкан тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайлов фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқориликни, халқимиз мамлакатимизда босқич-ма-босқич амалга ошириладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхати киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайловчиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислон Абдуганиевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хотамжон

Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 14, 35, 36-моддалари ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ислон Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳуқуқи таъминланган ва умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш принципларига риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайловда дунёнинг 43 давлати ва бешта халқаро ташкилот – Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйи-

ча бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислон ҳамкорлиги ташкилотидан 299 кузатувчининг иштирокида ҳам сайлов кампанияси демократик, очиқ ва ошкора ўтганлигидан эркин далолатдир. Сайлов жараёнини, шунингдек, сиёсий партияларнинг 35 мингдан ортиқ вакили кузатиб борди.

Сайловнинг очкилиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, 180 га яқин хорижий ва миллий интернет-нашр ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази ва ҳудудий матбуот марказлари томонидан 980 нафардан ортиқ маҳаллий ва чет эллик журналист иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган етмишдан зиёд матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёни ҳақида 12,7 мингдан ортиқ мақола ва ахборот материаллари чоп этилди, теле ва радиозениттирлар эфирга узатилди.

М. МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ОТАНГДЕК ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС...

Шу кунларда табарруқ 90 ёшларини нишонлаётган пири бадавлат отахон Халил Саримсоқов ҳақида ўйлаб туриб, дафъатан юқоридаги сатр ёдимга тушди. Унинг ижрочиси Сардор Мамада-

лиев, таъбир жоиз бўлса, шу кўшиги билан одамлар қалбидан чуқур жой эгаллади. Қайсики юрт юраги, эл кўнглидаги гапни айта олиш ҳамиша таҳсинга лойиқ.



Шу маънода бир умр фарзандларига меҳрибон дўст, ғамхўр ота бўлиб, шахсий ибрат кўрсатиб келган Зангиота тумани, Хонобод қишлоғида Халил бобо бугун эл-юрт назарида, фарзандлари ардоғида, таҳсини олқишлар

оғушида яшамокдалар. Аслида ҳам яхши ота-она фарзандлар учун катта бахт. Ҳар сўзию дуолари олтинга тенг кексаларимизга Президентимиз ташаббуси билан алоҳида эъзозу эҳтиром кўрсатилаётгани бежиз эмас. Ахир

улар елкасида йиллар юки, залворли ҳаёт тажрибаси бор. Бу эса ёшларга, айниса, эндигина оқ-қорани таний бошлаган навихол ўсмирларга тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ каби зарур ўғит, панд-насиҳатдир. Халил отанинг ўтмишию

кечмиши, ибратли ҳаёт йўли шундай хосиятларга бой.

– Ёшлигим суронли уруш йилларига тўғри келди, – дейди отахон. – 19 ёшида Чкалов номидаги самолётсозлик заводида иш бошлаганман. Ярим асрлик

умрим шу қорхонада ўтди. 45 йил бўлим бошлиғи бўлиб ишладим. Отам раҳматли Эргаш Саримсоқов республика бош мириоби эди. У кишининг ўғитлари, насиҳатлари билан шу даражага етдим. Шукрим, 5 фарзандим ҳам меҳнатсевар, ўқимишли, оқилу доно, Эл-юрт орасида муносиб обрў-эътиборга эга. Улар менинг фаҳрим, гурурим. Қолаверса, дориламон кунларда яшаш насиб этди. Энг кераги, ўзинг учун, ўз элинг учун меҳнат қилиш, яшаш. Шунда кайфият кўтаринки, эртанги кундан кўнгли хотиржам. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йили мени янада ёшартди, куч-қувват бағишлади. Элимга, юртимга, фарзанду набираларимга кераклигини ҳис этиб яшайман. Яратганга шукр. Илоҳим тинчлигимизга, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин!

Ҳақиқатан ҳам, Халил ота фан доктори, профессор Абдушуккур, ота касбини ардоқлаб келаётган муҳандис Абдуқодир, шифокор Абдуҳаким, халқ таълими фидойиси Ферузахон, дорисунос, тадбиркор Дилфузахондек фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Давра суҳбати



КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилашга оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлашди.

Республика Президентини таъкидлаганидек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улғуларга эътибори ва ғамхўр-

лиги унинг маданий даражасини белгилайди. Ўзбекистонда кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш миллатимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Давра суҳбатида вилоят ҳокимининг "Кексаларни эъзозлаш йили" вилоят дастури тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани қайд этилди.

Тадбир савол-жавоб, тақ-

лиф ва мулоҳазалар ва қизгин фикр алмашиш руҳида ўтди. Давра суҳбати иштирокчилари жамиятнинг барча ижтимоий қатламларига Давлат дастурининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш мақсадида вилоят ҳудудларида шундай тадбирлар ташкил этиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳақида келишиб олдилар.

Ўз муҳбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

9 апрель – Соҳибқирон
Амир Темур таваллуд топган кун

МИЛЛАТИМИЗ ФАҲРИ

Мустақиллик йилларида рўй берган муҳим ўзгаришлардан бири – маънавий янгиланиш, кишилар онги, тафаккури ва дунёқарашининг бийиб, кенгайиб бораётгани ҳамда эркинлик касб этаётганлигидир. Хусусан, аждоқлар бий меросини, тарихи, дини ва қадриятларини ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан.

Ватанимиз тарихида қўллаб буюк шахслар ўтган. Шулардан бири – тенгсиз азму шижоати, мардлик ва донишмандлиги билан дунё аҳлини лол қолдириб, йирик марказлашган давлат барпо этган, илм-фан ва маданият ривожининг раҳнамоси Соҳибқирон Амир Темурдир. Унинг халқимиз тарихидаги буюк хизматлари шундаки, у қадимий ва муқаддас Ватанимизни мўғул босқинчиларидан халос этиб, тарқоқ бўлиб ётган миллатини бирлаштириб, ўзаро жанжалларга барҳам берди. Юрда осийшталик ўрнатди, қисқа фурсатда қурраи замин тан олган улкан ва қудратли давлат-

ни барпо этди. Туркistonни дунёга танитди, доврўғини ёйди. Фан, маданият ва адабиётимизнинг юксак поғоналарига кўтариллишига асос солиб, шароит яратди. Юксак ҳарбий даҳоллик намунасини кўрсатиб, жамиятига сидқидилдан хизмат қилди. Самарқанддай гўзал масканини пойтахт қилиб, унда тенгсиз ҳашаматли ва салобатли иморатлар бунёд эттирди. У қурган буюк давлат ва унинг ворислари бўлган теурийлар идора этиб келган салтанатлар жаҳон тарихида улкан из қолдиргани билан алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

«ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Республика Табиати муҳофазаси қилиш Давлат кўмитасида "Тоza ҳаво" тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш, 2015 йилги 2 босқичли тадбирлар тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва унинг давлат назорати муҳозидаси семинар бўлиб ўтди.

"Тоza ҳаво" тадбири давомида транспорт ва бошқа воситаларнинг ҳавога чиқараётган захарли газларини аниқлаш ва камайтириш юзасидан давлат назоратини ўрнатиш мақсадида таъкил этилган тадбирда Табиати муҳофазаси қилиш Давлат кўмитаси, республика йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, замонавий техникалар кескин ортиб бораётгани атмосферага салбий таъсирини кўрсатмоқда. Заҳарли газларни камайтиришда Таби-

ати муҳофазаси қилиш Давлат кўмитаси, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида 20 йилдан буюн ўтказиб келинаётган "Тоza ҳаво" тадбири муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу асосда ҳар йили 10 апрелдан 10 майгача ҳамда 10 сентябрдан 10 октябргача, икки босқичда "Тоza ҳаво" тадбири ўтказилмоқда.

Атмосферанинг мусоффолиги инсон саломатлиги учун нақадар муҳим эканига оид фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбирда мутаассадилар барчани ушбу ойликда фаол иштирок этишга чақирди.

Аваз БЕКОВ.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

АЖДОДЛАРИНГИЗ ҚАБРИГА ЭЪТИБОРЛИМИСИЗ?

Қадимдан инсон шаъни, қадр-қиймати ҳамиша юксак қадрланган. Ҳатто, марҳумларнинг ҳам хотираси муқаддас ҳисобланиб, доимо ёдга олинади.

Ота-боболаримиз азалдан аждодлар дафн этилган тупроқнинг ҳар ҳовучини азиз ва муқаддас билишган. Айниқса, уларнинг раъзалари, макбара ва хилхоналари элнинг назарида, эътиборида бўлган. Бу – марҳумлар шаъни ва хотирасига ҳурмат, эҳтиром белгиси.

Бугун тарихий ёдгорлик ва буюк аждодларимиз дафн

этилган макбара ва бошқа муқаддас қадамжолар давлат муҳофазасида. Қабристонлар алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қонун ижросига оид чора-тадбирлар ҳақидаги қарори ҳамда шу

қарорга илова қилинган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низом амал қила бошлаши билан қабристонларга эътибор кескин ўзгарди.

Ҳукумат қарорига кўра, дафн этиш жойларини тартибли сақлаш, ободонлаштириб бориш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган.

(Давоми 2-бетда).

Аччиқ, аммо очик ҳат

ҚИШЛОҒИМИЗГА ҚИЗ БЕРИШМАЯПТИ...

Бизнинг Қуйи Чирчиқ тумани Аббай қишлоғидаги "Эски овул" маҳалламиз ҳанузгача газлаштирилмаган. Шу туфайли кўп қийинчилик ва муаммоларга дуч келаяпмиз. Бугунги сўрасангиз, газлаштирилмаган маҳаллага кўпчилик қизини узатишни истамайди.

Аҳолининг кўпчилиги, айниқса, ёшлар куну тун ўтин тайёрлаш билан овора. Маданий ҳордиқ ва дарс тайёрлашларига вақт қолмайди.

Осон бўлгани учун манзарали ва мевали дарахтнинг ёшини ке-

сишади. Шу туфайли атрофда дов-дарахт қолмаган. Аҳоли ҳар хил ясама электр иситтичлардан фойдаланмоқда. Бир печкада ўт ёқди, сув иситди, овқат пиширади, шу хонада кир ювади. Ҳар хонадонда икки киши ўтин тайёрлаш ва печка ёқиш билан банд.

Туман ҳокимлигига, газ таъминотида кўп мурожаат қилдик, лекин эрта, индин деб, қуруқ ваъдадан нарига ўтишмади.

Ҳалима ОҚНАЗАРОВА,
Шакар ЖУСИНБЕКОВА,
Бердир ЖОНТЎРАЕВ...
(Жами 20 та имзо).

